

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/3 ✪ 2015



*Иътимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

2015
1/3

Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми

Бош муҳаррир:

Ш.С. СИРОЖИДДИНОВ – фил.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Х. ХАЙТБАЕВ – к.ф.н.

Тахрир хайъати:

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Эшов Б.Ж. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Ҳ. – соц.ф.д., проф.

Холманова З.Т. – фил.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов.Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Маъсул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2015

Филология

Давронова Ш. Бугунги ўзбек романларида мавҳумотга асосланган тасвир имкониятлари.....	162
Абдуазизова Д.А. Культура и особенности ненвербальной коммуникации англичан, русских и узбеков	165
Arustamyan Ya.Yu., Jurayeva Z. Problem-based learning in teaching translators	169
Ашурова Д.У. Дискурсивно – когнитивная синергетика художественного текста	173
Казахбаев С.С. Мустакиллик йилларидаги қорақалпоқ болалар ҳикояларининг ўзига хос хусусиятлари.....	179
Қурбаниязов М. Олтин Ўрда адабий муҳити ва Рабғузий ижоди	182
Раҳимова Д. Тарихий воқеликнинг бадиий талқинга таъсири хусусида (“Буюк қушлар” мисолида).....	185
Тоғиева Г.Н. Атов бирликларининг ҳосланган маънолари	189
Ubaydullayev A. “Devoni hikmat” asarining leksik xususiyatlari.....	193
Ҳожиева З.Б. Лингвокультурный аспект анализа художественного текста.....	195
Қадирбекова Д.Х., Мирюсупов З.З. Ахборот технологиялари терминларининг лексик-морфологик тузилишга кўра таснифи.....	198
Мухамеджанова Н. Гендер ва тил уйғунлиги.....	201
Насруллаева Г.С. Когнитив ёндашувда метафорик маъно	203
Зупарова Л.А. Тилнинг борлик ва онг ўртасидаги воситачилик роли.....	207
Мамажонов Д. Талабалар оғзаки нутқ малакаларини ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	210
Азизова Ф. Национально-культурная специфика английских и узбекских фразеологических единиц	213
Хамзаев С. Турли синтактик бирликлар таркибидаги иккиламчи предикацияли қурилмаларнинг когнитив функциялари.....	216
Салиева С. Некоторые вопросы сопоставления словообразовательных категорий.....	219
Қўлдашева Ш.А. Тилларнинг конвергенцияси ва дивергенцияси.....	222
Ибрагимова З.Н. Инглиз тили дарсларида ўқитиш сифатини оширувчи замонавий педагогик технологиялар.....	225
Адилова Ф. Реализация категории имплицитности в художественном тексте.....	228
Шакирова Н.Ю. Из опыта составления немецко-узбекского словаря глаголов	231
Сафаров О. Цицероннинг таржима ҳақида билдирган мулоҳазалари	235
Salikhova N.I. English language teacher training in Uzbekistan: problems and perspectives.....	238
Panferova I.V. Competence-based approach to forming professional foreign language communicative competence of economic university students.....	243
Ким Н. Функционирование повествовательного предложения в корейском языке (В свете теории речевой коммуникации).....	246
Сайфуллаев А.И. Предлог лингвистик мақомини аниқлашнинг умумий асослари.....	249
Xolmurodova M. “Qutadg‘u bilig” leksikasining badiiy aktuallik darajasi.....	253
Қўлдошев А.М. “Дунёни билишнинг миллий ўзига хослиги” концепциясининг когнитив тилшуносликдаги ўрни	257
Пўлатова С.Ш. Ғ.Ғулом ҳамда Ч.Диккенс ижодида сатира ва юмор.....	261
Сабинова Г.С. Педагогические требования к разработке мультимедиа программы по обучению местоимениям английского языка учащихся школ республики Узбекистан	264
Гибралтарская О.Н. Смена системы художественных координат от прозы к драматургии.....	268
Алимова Н.Х. Поэма бесконечного разнообразия: к вопросу ультикультурализма в современной американской прозе	272
Балтабаева А.М. Актуальность творчества У. Хамдама в современном литературном процессе Узбекистана.....	276
Низамова М.Н. Концепт «гордость» в романах Джейн Остен.....	278
Сидиков Қ. “Қутадғу билиг”нинг Ўзбекистонда ўрганилиш тарихидан.....	282
Алимов Б. Ижтимоий тармоқлар ва уларнинг мамлакат имижини шакллантиришдаги ўрни	286
Машарипова Т.Ж. Коинот гултожи	291
Усмонов Д. Санъатга ихтисослашган наشرлар тили ва услуби, санъат лексикаси ва унинг ўзига хослиги	298
Абдуллаева З.С. Ўзбек жадид насри ривожига адабий алоқалар ва бадиий таржиманинг роли.....	302
Омонов Қ. Ўрта асрлардан қолган туркий тилдаги расмий ёзмаларда лексик бирликларнинг танланиши.....	304
Kaharova I.S. The means of describing the characters in “the moon and sixpence” by w.s.maugham.....	308
Холиқов Б.А. “Ўқинтирган ота” ва “Шайтанат” асарларининг тили ва услубига доир.....	311

ЦИЦЕРОН ТАРЖИМА ҲАҚИДА БИЛДИРГАН МУЛОҲАЗАЛАР

Сафаров О. *

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада Цицероннинг таржимага оид мулоҳазалари ва уларнинг таржима амалиёти ва илмига таъсири ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: сўзма-сўз таржима, маънома-маъно таржима, диний таржима, махсус матнлар таржимаси, фалсафий-илмий таржима, поэтик таржима, риторик таржима, адабиёт, бадиий адабиёт, риторика.

Қадимги ва кудратли Рим империясининг буюк нотиғи ва давлат арбоби Марк Туллий Цицерон (Marcus Tullius Cicero, мил. авв. 106-43) таржима ҳақида шундай мулоҳазалар билдирганки, улар ўша пайтдан буён жаҳон миқёсидаги илму-маърифат аҳлининг эътиборини ўзига тортиб келяпти. Тегишли манбаларда Цицерон лисоний, бадиий, диний, риторик ва махсус матнлар таржимаси назариётчиси сифатида талқин қилинган ҳоллар ҳам учрайди. Улар таржима илмида кўп зиддиятларни пайдо қилиб, мазкур илм тараққиётига салбий таъсир этяпти.

Бундай ҳолларга барҳам берилиши учун, Цицерон таржима ҳақида билдирган мулоҳазалар атрофлича ўрганилиши керак. Ана шундагина ўша мулоҳазалар ҳақида ҳаммада бир хил ва тўғри тасаввур ҳосил қилиниши мумкин. Шу нуктаи назардан номи юқорида қайд этилган мавзуга оид ишлар долзарб аҳамиятга эга.

А. Фёдоров, Ҳ. Вермеер, Ж. Мунин, И. Левий каби таниқли олимлар ҳам ўз ишларида Цицероннинг таржимага оид мулоҳазаларини муайян тарзда қайд этишган ёки уларга ўз муносабатларини билдиришган. Чех олими И. Левийнинг «Искусство перевода» китобини русчага таржима қилиб, унга «Опыт теории художественного перевода» сарлавҳали 22-бетли сўзбоши ҳам илова қилган В. Росселс эса шундай ёзади:

“Таржима муаммоси, ҳатто бадиий таржиманики ҳам, янги эмас. Маълумки, унинг илдизлари Римга бориб тақалади, ўшанда Цицерон таржимада сўзларни санаш эмас, ўлчаш кераклигини уқтирганки, бу ҳол таржима амалиётининг кейинги икки минг йил мобайнидаги аслиятга содиклик муаммоси ўшандаёқ хал этилганидан далолат беради” [1].

В. Росселснинг «Сколько весит слово» сарлавҳали мақоласи ҳам бор. Унда у бир украинча таржимага ёзилган ички тақризда, сўзлар тартибидаги фарқлилик таржима камчилиги сифатида қайд этилганига эътироз билдириб, “Ахир, Цицерон таржимада сўзларни қайта-қайта санаш эмас, уларни ўлчаш керак деган-ку” [2], - дея таъкидлайди. Бу орқали у деярли барча бадиий таржима назарияси тарафдорларининг муносабатларини ифода этган. Чунки И. Кашкин, П. Гопер, Г. Гачечиладзе ва бошқалар ҳам Цицерон таржима ҳақида билдирган мулоҳазаларга ижобий муносабат билдирганлар.

Лисоний таржима назарияси асосчиси А. Фёдоров эса Цицероннинг таржимага оид

мулоҳазаларини «теоретическая основа перевода» сифатида эътироф этган бўлса, шу назария тарафдори В.Н.Комиссаров (1924-2005) «Оппозиция «буквальный» и «свободный (вольный)» перевод в современном переводоведении» мақоласида сўзма-сўз таржима илгарилари тўғри, аниқ, ҳақиқий таржима сифатида ҳам тушунилганини қайд этиб, “Цицерон ҳам ўз таржималаридаги айрим эркинликларни оқлаб, аслиятга содикликни сакловчи таржимон эмас, ўз аудиториясига таъсир қилишга уринган нотикдай фаолият юритганини айтган” [3], - дея таъкидлайди.

Француз таржимашуноси Ж. Мунин Цицерон таржима ҳақида билдирган икки мулоҳазани, яъни у таржимон эмас, нотик сифатида таржима қилгани ва таржимада сўзларнинг сони эмас, вазни берилиши кераклиги ҳақидаги фикрларни қайд этади. Бироқ у бу мулоҳазаларга муносабат билдирмаган ҳолда, улар икки минг йилдан зиёд вақт давомида ўз аҳамиятини йўқотмай келаётганини қайд этади.

Немис таржимашуноси Ҳ.Вермеер Цицеронни антик таржимонларнинг типик вакили сифатида тавсифлайди ва унинг таржимонлик фаолияти уч қиррали бўлганини назарда тутиб, антик таржималарни куйидаги уч типга ажратади: 1. Фалсафий – илмий таржима. 2. Поэтик (бадиий) таржима. 3. Риторик таржима.

Мавзунинг асосий қисмига ўтадиган бўлса, Цицерон милоддан аввалги 46-йилда икки машхур юнон нотиғи – Демосфен (мил. авв. 383-322) ва Эсхин (мил. авв. 389-314) - нотик Ктесифонтни бошга тақиладиган гулчамбар билан тақдирлаш масаласи муҳокамаси пайтида сўзлаган нутқларни лотин тилига таржима қилади.

Мил. авв. тахминан 326-йилда Афинада ўтган ўша жараёнда, Демосфен Ктесифонтга гулчамбар тақдим этилишини ёқлаб, Эсхин эса бунга қарши нутқ сўзлаган. Шу муросасиз бахсда мағлубиятга учраган Эсхин, Афинани тарк этишга аҳд қилган ва Родос оролига бориб, ўша ерда нотиклик ва фалсафа мактабини очган.

Родос ўша даврнинг илму-маърифат марказларидан бирига айланиши, шу воқеа билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас. Орадан қарийб икки ярим аср ўтгач, ёш Цицерон ҳам илм олиш учун, дастлаб Афинага, ундан кейин Родосга борган ва шу оролда Юлий Цезар билан бирга грамматика (тилшунослик), нотиклик, фалсафа каби фанлардан таҳсил олган. Уларга Родоснинг ўша пайтдаги машхур нотиғи Апполоний Молон устозлик қилган. Жумладан, бир куни шу устози Цицерондан юнон тилида бирор нутқ сўзлашини сўраганида, у

* Сафаров О. – ЎзДЖТУ Роман-герман филологияси факультети доценти, фил.ф.н.

топшириқни шу даражада маҳорат билан ууддалаганки, буюк устози бундан хайратга тушиб шундай деган: “Цицерон, мен сенга тасаннолар айтаман ва санъатингга қойилман. Лекин мен Юнонистон тақдири борасида маҳзунман: бизнинг ягона афзаллигимиз ва бизнинг охириги ғуруримиз – маърифатлилиқ ва суҳандонлиқ ҳам сен туфайли римликлар томонидан забт этилди” [4].

Цицерон Демосфен ва Эсхиннинг нутқларидан Афинада ёки Родосда таҳсил олган пайтларидаёқ хабардор бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки бундай таълимда машҳур нотикларнинг нутқларини ўрганишга алоҳида эътибор берилган. 60 ёшни қаршилаётганида эса, у ўша нутқларни, улардан ўз ватандошларини баҳраманд қилиш мақсадида, лотинчага таржима қилган.

“Гулчамбар ҳақида” деб номлаган шу таржимасига, у “De optimo genere oratorum” (Нотикликнинг энг яхши усуллари) сарлавҳали сўзбоши илова қилади. Гарчанд ўша таржима йўқолиб кетган бўлса-да, Цицерон унга ёзган сўзбоши айрим манбалар орқали бизгача етиб келган. Мана шундай манбалардан энг муҳими, лотинча Библия таржимони Софрониус Ойсибиус Хиеронимус (Sophronius Eusebius Hieronymus, мил. 347-419/420) дўсти Паммахиусга эпистоляр (мактубий) жанрда ёзган “De optimo genere interpretandi” (Таржиманинг энг яхши усули) сарлавҳали мақола бўлиб, унинг бошидаёқ Хиеронимус Библия таржимасида Цицероннинг таржима ҳақидаги мулоҳазаларига асосланганини шундай ифодалайди:

“Мен буни, нафақат, тан оламан, балки очик айта оламанки, юнонча матнлар таржимасида – муқаддас китоблардаги сўзларнинг тартиби сирли бўлса-да - сўзни сўз билан эмас, маънони маъно билан ифодалайман ва бунда Платоннинг ‘Протагор’, Ксенофоннинг ‘Ойкономикус’ ҳамда Эсхин ва Демосфен иккаласи бир-бирига қарши сўзлаган жозибали нутқларни таржима қилган Туллийни (Цицеронни) ўзимга устоз деб биламан. У бошқа тил хусусиятларини она тили орқали ифодалашда, қанчасини қолдиргани, қанча қўшгани, қанча ўзгартиргани ҳақида гапириб ўтириш фурсати эмас. Менга таржимон обрўсининг ўзи етарли, у қайд этилган нутқлар таржимаси муқаддимасида шундай деган (opt. gen. orat. 13 f.): “Мен илмга чанқокларга нафи тегар деган ниятда, ўзим учун сира зарур бўлмаган ишга қўл уришни лозим топдим, чунки мен Атика суҳандонлигининг икки буюк вакили, Эсхин ва Демосфен, бир-бирига қарши сўзлаган машҳур нутқларни ўгирдим, аммо мен уларни таржимон сифатида эмас, балки нотик сифатида, ўзларининг фикрларига хос нутқ шакллари ва иборалари билан, сўзларини эса ўз одатларимизга мослаштириб ўгирдим. Бунда мен бир сўзни бошқаси билан беришни эмас, фикрнинг умумий яхлитлигини ва барча сўзларнинг маъносини сақлаб қолишни лозим топдим: чунки мен уларни ўқувчига санаб эмас, балки меъёрида ўлчаб бериш керак, деб билдим” [5] - (немисча матндаги übertragen сўзига, ўзбекча таржимада

ўгирмоқ феъли ёки у ифодаланган грамматик шаклга мос ҳолда берилди – О. С.).

Хиеронимуснинг бу мақоласи Европада кўп марта чоп этилган. Масалан, Ж. Мунир 72 марта нашр этилгани ҳақида маълумот берган. Демак, Европада китоб нашр этиш ихтиро этилгунича, яъни минг йилдан зиёд вақт давомида мазкур мақола кўплаб хаттотлар томонидан бир неча марта кўчириб ёзилган бўлиши табиий.

Шу мақола немис файласуфи Ханс Ёахим Штёригнинг “Das Problem des Übersetzens” (Таржима муаммоси) мақолалар тўпламига ҳам киритилган. Шу тўпламнинг кириш қисми Рим рақамлари билан, ундаги Хиеронимусга тегишли мақоланинг дастлабки бети эса, арабча 1 рақами билан белгиланган.

Хиеронимус қайд этилишича, Цицерон ўша сўзбошининг охирида (23-бет), ўз таржимасида юнонча фикрларни, уларнинг нутқ шакллари ва кетма-кетликларини сақлаган ҳолда, амалга оширганини уқтириб, шундай ёзган:

“Уларнинг ҳаммаси юнончадан ўгирилганга ўхшамаса, биз улар айнан шундай тарзда бўлишига ҳаракат қилдик” [6]. Демак, Цицерон таржимаси ҳақида бир томондан жуда ижобий фикрлар билдиради, иккинчи томондан эса, унга субъектив равишда ёндашганини ҳам эътироф этади. Таржимада йўл қўйиладиган ҳар қандай субъективлик, агар у асосиз бўлса, танқидга учраши табиий. Шу нуқтаи назардан Цицерон ўша сўзбошида қайд этган қуйидаги мулоҳаза ҳам эътиборга лойиқ:

“Икки тоифа танқидчилар бизнинг ишимизга қарши чиқадилар. Бирлари, - ‘Юнонлар буни яхшироқ ифодалаган бўлардилар-ку’, - дейдилар. Бунга савол: Лотинлар бирор нимани яхшироқ ифодалай оладиларми? – Бошқалари эса, - ‘Нима учун бу нутқларни юнончадагидай эмас, бундай ўқишимиз керак’, - дейишлари мумкин. Унда улар Андромакни ҳам, Антиопни ҳам, Эпигонни ҳам лотин тилида ўқимаганлари маъкул” [7].

Цицерон таржима ҳақида билдирган яна бир мулоҳаза борки, уни у Римда хаттотлик ишларини бошқарган тарихнавис дўсти Тит Помпоний Атикка (Atticus, мил. авв. 109-32) ёзган мактубларидан бирида шундай ифодалаган:

“Аристотелнинг шогирдларидан бирини “totidem verbis” (буткул сўзма-сўз – О. С.) таржима қилдим” [8].

Бу каби ҳоллар таржима илмида кўпгина зиддиятларни келтириб чиқариши табиий. Аксарият таржимашунослар бу зиддиятлар моҳиятини бир-бириникига деярли ўхшаш тарзда талқин қиладилар. Мас. П.Топер, Г.Гачечиладзенинг «Художественный перевод и литературные взаимосвязи» китобига ёзган сўзбошисида уни шундай ифодалайди:

“Кўп асрлик таржима амалиёти бутун тарихи, бадий таржима икки бир-бирига зид тамойил орасида ўзгариб турганидан далолат беради: сўзма-сўз аниқ, аммо эстетик тўлиқ бўлмаган таржима ва бадий тўлиқ, аммо аслиятдан узоқ, яъни эркин таржима. Бу зиддиятнинг сабаби, киши тил фаолиятининг характери ва ўзига хослигида,

тилларнинг тузилишларида ва улар ўртасидаги тафовулардадир. Шундай қилиб, сўзма-сўз аниқлик ва бадиийлик бир-бирига қарама-қарши бўлиб қоляпти. Таржима назарияси бу зиддиятни диалектик тарзда ҳал этиш, унга барҳам бериш йўллари топиши керак” [9]. Ҳақиқатан ҳам таржима илмида шундай зиддият мавжуд ва ҳақиқатан ҳам у узок ўтмишга, аниқроғи, камида Цицероннинг даврига бориб такалади. Орадан қарийб ярим аср ўтгач, Ҳорац (Нораз, мил. авв. 65-8 й.) ҳам ўзининг “Пизонларга мактуб”ида Цицероннинг таржимага оид мулоҳазаларини бадиий таржима нуктаи назаридан қўллаб қувватлаган бўлса, милодий 5 асрнинг бошларида эса диний китоблар таржимони Ҳиеронимус дўсти Паммахиусга мактуб тарзида ёзган “De optimo genere interpretandi”да Цицероннинг таржимага оид барча мулоҳазаларини тўлиқ эътироф этишини билдирган.

Хулоса сифатида шуни қайд этмоқчимизки, Цицерон ўзи амалга оширган ўша нутқлар таржимасига сўзбоши илова қилиб, таржимага таржимонлар сўзбоши, кириш ёки шарҳ ёзишлари

анъанасини биринчилардан бўлиб бошлаб берган. Бирок у нотикликка оид матнлар таржимасига ёзган сўзбошисини ҳам риторик, яъни нотиклик илми ва санъатига хос тарзда ифодалагани ғалати ҳол. Ҳолбуки, айнан шу илм ва санъатнинг ўзига хос сирлари борки, улардан хабардор бўлмай туриб, Цицерондай қилни қирқ ёрадиган нотиклар муайян мавзу ҳақида нима деганлари-ю, нимани назарда тутганликларини тўғри тушуниш қийин кечиши табиий.

Изланишларимиз далолат беришича, Ҳиеронимуснинг “De optimo genere interpretandi”си ҳам буткул риторик тарзда ифодаланган. Таржима илмидаги зиддиятлар айнан шундай ҳолларнинг оқибати бўлиши мумкин.

Бас шундай экан, Цицерон ва Ҳиеронимус таржима ҳақида билдирган мулоҳазаларнинг моҳиятини теран тушуниш учун, қадимий фанлардан бири бўлган риторикага мурожаат этилиши мақсадга мувофиқдир. Бирок бундан олдин, Ҳиеронимус таржима ҳақида билдирган мулоҳазалар ҳам алоҳида ўрганиб чиқилиши фойдадан холи эмас.

АДАБИЁТЛАР

1. См.: Левый, И. Опыт теории художественного перевода // Искусство перевода. – М.: Прогресс, 1974. – С. 8. (перевод с чешского и
2. предисловие В. Россельса)
3. Россельс В. Сколько весит слово. (Сборник статей). – М.: Советский писатель, 1984. – 141.
4. Комиссаров В.Н. Оппозиция «буквальный» и «свободный (вольный)»
5. перевод в современном переводоведении // Тетради переводчика. – М.: МГЛУ, 2004. – С. 7.
6. Цицерон. Нотиклик санъати ҳақида икки рисола. – Т.: Янги аср авлоди,
7. 2007. 6-б. (Русчадан Урфон Отажон таржимаси).
8. in Störig, H. Hieronymus // Das Problem des Übersetzens. Darmstadt: Wissenschaftliche Buchgesellschaft, 1973. S. 1-2.
9. Ebenda, S. 2.
10. Vermeer, H. J. Von Mesopotamien nach Griechenland. Rom und das frühe Christentum bis Hieronymus // Skizzen zu einer Geschichte der Translation. Bd. 1. – Frankfurt / M.: Verlag für interkult. Kommunikation, 1992. S. 243.
11. Ebenda, S. 223.
12. См. Гачечиладзе Г. «Художественный перевод и литературные взаимосвязи», М.: Советский писатель, 1980. – С. 8. (предисловие П. Топера).

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена анализу высказываний Цицерона о переводе и их влиянии на практику и науку перевода.

Ключевые слова: литературный перевод, интерпретация значений, религиозный перевод, перевод специальных текстов, научно-филологический перевод, поэтический перевод, риторический перевод, художественная литература, риторика.

RESUME

In this article we are talking about the statements of Cicero about the translation and the practice and science of translation.

Key words: literary translation, interpretation of the meaning, religious translation, translation of specialized texts, philosophical and scientific translation, poetic translation, rhetorical translation, literature, belles-lettres, rhetorics.